

“Навоийуран” ДК

Кузатув кенгашининг 2024 йил
24 декабрдаги 34-сон
баённомаси билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Навоийуран» давлат корхонаси ва унинг таркибий
бўлинмаларида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ
муносабатларни тартибга солиш тўғрисида
Н И З О М**

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сонли қарори ҳамда «Навоийуран» давлат корхонасининг (*кейинги ўринларда – корхона*) 2024 йил 14 июндаги 245-сонли буйруғига асосан манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни олдини олиш ҳамда тартибга солишни белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган хизмат ваколатларидан қатъий назар меҳнат шартномаси (контракт) асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинладиган лавозимларда меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган ишчи ходимларга тегишли ҳисобланади.

3. Мазкур Низом корхонада юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқариш масалаларидаги асосий ички ҳужжат ҳисобланади ва барча ходимлар томонидан сўзсиз риоя қилиниши шарт.

4. Корхона ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ масалалар корхонанинг Комплаенс хизмати томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

корхона ходими – меҳнат шартномаси (контракт) асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинладиган лавозимларда меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган ходим;

манфаатлар тўқнашуви - шахсининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозими ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, корхонанинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний

манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эхтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) корхона билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) корхона манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

эхтимолий манфаатлар тўқнашуви – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) корхона билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар корхонанинг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва корхона ходимлари томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

алоқадор шахс - ходимнинг яқин қариндошлари, ходим ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса, ўша юридик шахс, ходим ёхуд унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс.

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича махсус бўлинма – **корхонада** коррупцияга қарши ички назорат бўлинма комплаенс хизмати ҳисобланади;

шахсий манфаатдорлик - давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевосита ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзаллик;

яқин қариндошлар – ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари;

кронизм – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида лавозим мавқесидан ва обрўсидан фойдаланиш;

манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш – ходимлар томонидан потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш – корхона томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолатини ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа

манфаатлар) корхона манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

махаллийчилик – шахсни унинг наслий келиб чиқиши (асилзода ёки машхур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, шунингдек корхона манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

уруғ-аймоқчилик – корхона ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – корхона ходими бошқа шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, корхонада кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сихатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

шафелик – корхона ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олишидир;

қариндошларнинг қонунчиликка мувофиқ корхонада бирга бир тизимда хизмат қилишини чеклаш - ўзаро яқин қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахсларнинг (ота-она, ака-укалар, опа-

сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса тақиқланади;

Одоб-ахлоқ комиссияси - корхона ходимларининг ўзларининг фазилатлари билан бошқаларга ўрناк бўлиши, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликнинг содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга хизмат қилиши мақсадларида ташкил этилган комиссия.

2. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг асосий принциплари

6. Корхонада манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишнинг асосий принциплари ва уларга риоя қилиш талаблари:

қонунийлик;

фуқароларнинг, ташкилотларнинг, корхонанинг ва давлатнинг қонуний манфаатлари устуворлиги;

очиклик ва шаффофлик;

холислик;

коррупцияга нисбатан муросасизлик;

3. Корхона ходимларини манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш чоғида ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Корхона ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришда ва (ёки) корхонанинг манфаатларини ифодалашда ушбу Низомда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари ҳамда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш чоғида:

Комплаенс хизматида маслаҳат сўраб мурожаат этиши;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда кўрсатилиши керак бўлган маълумотлардан ташқари қўшимча маълумотларни электрон ёки ёзма шаклда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Корхона ходими:

ўз лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини виждонан бажариши ва уларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўз шахсий манфаатлари билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши;

лавозим мажбуриятларини ёки хизмат ваколатларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ўз иш юритувидаги ҳужжатлар бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўзининг бевосита раҳбарини (ташкилот раҳбари - юқори турувчи раҳбарни) ҳамда Комплаенс хизмати масъулларини хабардор қилиши;

ўзининг бевосита бўйсунувидаги ходимларни ёки бошқа ходимларни бевосита ёки билвосита ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) мажбурламаслиги;

ходим ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган Корхонадан ёки бошқа ташкилот назорати остидаги ташкилотдан ёки унинг таркибий бўлинмасидан ишга қабул қилиш тўғрисида тақлифлар келиб тушганлиги ҳолати ҳақида бир иш куни ичида хабар бериши;

бошқа ходимларга нисбатан ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳоллари тўғрисида хабар бериши;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш мақсадида Комплаенс хизматининг сўровига кўра маълумотлар тақдим этиши шарт;

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан фақат корхона манфаатлари йўлида фойдаланиши;

непотизм (қариндошлик), шафелик, фаворитизм, кронизм, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг намоён бўлишига қатъий чек қўйиши;

ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг нодавлат нотижорат ташкилотларидаги иштироки ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ ва виждонан ошкор қилиши.

8. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида ходим қўйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак:

ходимнинг бевосита бўйсунувида яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар бўлса;

белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган корхона ёки унинг таркибий бўлинмаларида ходимнинг яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар фаолият юритса ёхуд белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган мансабдор шахс ходимнинг яқин қариндоши ва (ёки) алоқадор шахс бўлса;

ходим яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ходимларга (жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотлар, устамаларга тақдим этиш ва уларнинг миқдорини белгилашга) оид қарорлар қабул қилишда иштирок этса;

ходим яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ҳар қандай қарорлар қабул қилиш ҳолати потенциал манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши ҳолатлари бўйича манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши лозим бўлади.

4. Ходимга алоқадор шахсларнинг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш чоғидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Корхона ходимига алоқадор шахслар корхона билан муносабатларга киришганда:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Комплаенс хизматидадан маслаҳат олиши;

корхонанинг манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

10. Корхона ходимига алоқадор шахслар мазкур ходим меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган корхона ёки бошқа ташкилот билан муносабатларга киришганда:

шахсий манфаатларини кўзлаб манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни электрон ёки ёзма шаклда тўлдириши, унга била туриб ёлғон ва нотўғри маълумотларни киритмаслиги шарт.

5. Корхона ходимининг фаолиятида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар

11. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида корхона барча ходимлари:

хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш орқали шахсий наф олишга;

манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотни ошкор этиш чоғида маълумотларни яширишга ёхуд била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборот тақдим этишга;

бири бошқасига бўйсунувчи ёки бири бошқасининг назоратидаги ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлашга, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

Бош директор ва унинг ўринбосарлари, Бош муҳандис, Бош юрисконсулт, йўналишлар бўйича директорлар, (бош) бошқарма, бўлим, хизмат ва бюро раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, таркибий бўлинма ва унга қарашли бўлинмалар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош муҳандислари, бўлим, хизмат, бюро бошлиқлари тижорат ташкилотларининг

таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлишга, бундан акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларининг ўн фоизигача эгалик қилиш ҳоллари мустасно;

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган иш жойида ёки корхонанинг назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектининг акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилишга, шунингдек ушбу тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органи аъзоси бўлишга, бундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва фармонларида назарда тутилган ёки бу фаолият қонунчиликка мувофиқ лавозим мажбуриятлари ҳисобланадиган ҳоллар мустасно. Бунда корхона назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг акцияларига ёки устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига эгалик қилган ёхуд мазкур тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари аъзоси бўлган шахс мазкур давлат органида ёки бошқа ташкилотда ходим лавозимини эгаллаган ҳолларда, у қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу акцияларни ёки улушларни бир ой ичида реализация қилиши, бошқарув органларининг аъзолигидан чиқиши керак;

ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган иш жойида ўзига тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда ёки ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли бўлган ишларни кўриб чиқишда вакил сифатида иштирок этишга, агар у қонунчиликка мувофиқ қонуний вакил бўлмаса;

меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган иш жойида корхона мол-мулкини сотиб олишда ёки ижарага олишда ходим ва унга алоқадор шахслар иштирок этишга ҳақли эмас.

12. Корхона билан меҳнат шартномаси тугатилган ходим икки йил ичида охириги иш жойида ўзи бевосита ёки билвосита назоратни амалга оширган бошқарма, бўлим (хизмат) ёки уларнинг таркибий бўлинмалари томонидан ишга Комплаенс хизматининг хулосасига асосан қабул қилинади.

13. Корхона ходими лавозим мажбуриятларининг ёки хизмат ваколатларининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олинган ҳолда, унга нисбатан қонунчиликда белгиланган бошқа чекловлар қўлланилиши мумкин.

6. Корхонанинг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

14. Корхонада манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасида:

ходимлар томонидан мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабардор қилиш тизимини ташкил этади;

эхтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг ва мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарноманинг белгиланган шаклини корхонанинг расмий веб-сайтларига жойлаштиради;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарорларни белгиланган тартибда ўзгартиради ёки бекор қилади;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган битимларни ўзгартиради ёки бекор қилади ёхуд бундай битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида белгиланган тартибда судга даъволар билан мурожаат этади;

Одоб-ахлоқ комиссияларининг ва комплаенс хизматининг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш бўйича фаолиятини ташкил этади;

корхона ва унинг тизимида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича ички идоравий тартибни белгилайди;

аниқланган манфаатлар тўқнашуви бўйича хизмат текширувининг ҳолисона ташкил этилишини ва унинг натижалари Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан кўриб чиқилишини таъминлайди;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда ўрнатилган бўлаётган ходимларни рағбатлантириш чораларини кўради;

манфаатлар тўқнашуви натижасида фуқароларга, корхонага етказилган зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш, шунингдек аҳолининг корхонага тегишли бўлган ишончини тиклаш чораларини кўради.

15. Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7. Корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида Одоб-ахлоқ комиссиясининг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

16. Корхонанинг барча ходимлари томонидан ушбу Низом талабларига риоя этилиши устидан назорати корхона ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан тузилган Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан амалга оширилади.

17. Одоб-ахлоқ комиссияси:

корхона ходими томонидан ушбу Низомда белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаш чораларини кўради;

манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан кўрилатилган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар устидан коллегиял назоратни амалга оширади;

ушбу Низомда белгиланган талабларнинг корхона ходимлари томонидан бузилишлари мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хизмат текшируви натижаларига кўра хулоса чиқаради;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар қилмаган, била туриб ёлгон ёки нотўғри ахборот тақдим этган ёхуд бундай ахборотни яширган ходимни жавобгарликка тортиш ҳақида корхона раҳбарига таклиф киритади.

18. Корхона марказий аппаратининг Одоб-ахлоқ комиссияси манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги комплаенс хизматининг таклифларини корхонанинг таркибий бўлинмаларидаги Одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан инобатга олинмаган ҳолатларни қайта кўриб чиқади ва хулоса чиқаради.

19. Одоб-ахлоқ комиссияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

20. Одоб-ахлоқ комиссияси ўз фаолиятини корхона томонидан унинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган Низом асосида ташкил этади.

8. Комплаенс хизматининг манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

21. Комплаенс хизмати:

корхона ходимлари томонидан аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни умумлаштиради;

манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ маълумот, ахборот ва тегишли материалларни сўраб олади ва ўрганади;

манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги фаолиятини, жумладан жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари асосида ўрганади;

мазкур Низом талабларини бузган ходимга нисбатан хизмат текширувини ўтказади;

корхона ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш юзасидан қонунчиликка мувофиқ тушунтириш ишларини амалга оширади;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияларни, шунингдек мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномани кўриб чиқади, уларнинг натижаларига кўра Одоб-ахлоқ комиссиясига таклифлар киритади;

ходимнинг манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги хабарлари муносабати билан манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса беради;

аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини таҳлил қилади ҳамда уларни тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ушбу Низом талабларига риоя этилиши ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги ҳисоботларни тайёрлайди ҳамда ҳисоботлар ва тегишли ахборотларни расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлайди;

манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда, битимни бекор қилиш, қарорни ҳамда бошқа ҳужжатни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида корхона раҳбариятига таклиф киритади;

корхона ходимлари учун манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича услубий тавсияларни эълон қилади;

манфаатлар тўқнашуви натижасида ходимлар корхона манфаатларига етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланишига эришилиши устидан назоратни амалга оширади;

корхона ходимларини тизимли равишда малакасини оширишни, уларда тегишли кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитишни ташкил этади.

22. Комплаенс хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш

23. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш корхона ходими томонидан мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабарнома тақдим этиш орқали амалга оширилади.

24. Корхона ходимига алоқадор шахслар томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш уларнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тақдим этиши орқали амалга оширилади.

10. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномани тақдим этиш тартиби

25. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бераётган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, шунингдек жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

ходимнинг манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган яқин қариндошининг фамилияси, исми, отасининг исми, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда) ёхуд бошқа тизими ходимига алоқадор шахснинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборот.

26. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларни ўз ичига олиши ёки бошқа бошқарма, бўлинма ходимининг ва (ёки) унинг бевосита раҳбарининг (айрим ҳолларда, унинг ўринбосарининг) ўз қўли билан кўйилган имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши керак.

27. Корхонанинг ходими қуйидаги ҳолларда мавжуд манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан бир иш куни ичида мавжуд манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги белгиланган шаклдаги (Низомнинг 1-илоvasи) хабарномани тўлдириши ва ўзининг бевосита раҳбарига (ташкilot раҳбарига - юқори турувчи раҳбарга) ёки комплаенс хизматига тақдим этиши шарт, агар:

яқин қариндошлари бевосита ходимнинг бўйсунувидаги ишга қабул қилинган бўлса ёки ходимнинг ишига фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ўзига алоқадор шахслар жалб этилган бўлса;

у ўзига алоқадор шахсларга тааллуқли масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этаётган бўлса;

яқин қариндоши текширув ўтказилаётган объектда (юрoдик шахсда) текширув йўналиши бўйича масъул мансабдор шахс сифатида ишлаётган бўлса ёки мазкур текширув объекти (юрoдик шахс) унга алоқадор шахс бўлса;

бошқа ҳар қандай мавжуд манфаатлар тўқнашуви ўзига маълум бўлиб қолса.

11. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарномани кўриб чиқиш тартиби

28. Корхона раҳбарияти ҳамда комплаенс хизмати бошлиғи манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун масъул ҳисобланади.

29. Корхонанинг барча таркибий бўлинмасининг раҳбари мавжуд манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича ўз ваколатлари доирасида кўрилган чоралар тўғрисида комплаенс хизматига бир иш куни ичида ахборот тақдим этиши шарт.

30. Комплаенс хизмати кўрилган чораларнинг етарлилиги (тўғрилиги) тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун ахборотни уч иш куни ичида Одoб-ахлоқ комиссиясига тақдим этади.

12. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация

31. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

корхона ходимининг лавозими ҳамда унинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек унинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;

корхона ходимини яқин қариндошларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, уларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлган тақдирда), шунингдек иш жойи ва лавозими;

корхона ходимини ёки унинг яқин қариндошлари акциядор бўлган давлат корхонасининг расмий номи ва унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

корхона ходимининг яқин қариндоши муассис (иштирокчи), бошқарув органи аъзоси бўлган юридик шахснинг расмий номи, шунингдек унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами.

32. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация уни тўлдирган ходимининг ўз қўли билан қўйилган имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

13. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш тартиби

33. Корхонада меҳнат шартномаси (контракт) асосида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган лавозимларда меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган ходимлар эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириши ва ҳар йили 15 январдан кечиктирмай Низомнинг 2-иловасига асосан комплаенс хизматига тақдим этиши лозим.

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни йиғиш ва умумлаштириш кадрлар бўлими ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан комплаенс хизмати билан ҳамкорликда ташкил этади.

Корхона ходимига алоқадор шахслар корхона билан муносабатларга киришганда:

- шахсий манфаатларини кўзлаб манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;

- мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдириши ҳамда унга била туриб ёлғон ва нотўғри маълумотларни киритмаслиги шарт.

34. Ишга қабул қилинаётган номзод, шунингдек бошқа ишга ўтказилган ходим эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги белгиланган шаклдаги декларацияни тўлдириши ва тақдим этиши керак.

35. Комплаенс хизмати:

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ҳар йилги декларацияни ҳар йили 15 февралгача умумлаштиради ва таҳлил қилади;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чораларнинг етарлилигини (тўғрилигини) таъминлаш учун ҳар йили 1 мартга қадар Одоб-ахлоқ комиссиясига таклиф киритади;

Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан қабул қилинган хулосага асосан эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисида корхона ходимининг Марказий аппарат ёки таркибий бўлинмадаги раҳбарига таклиф киритади.

36. Корхонага номзод ишга қабул қилинаётганда ёхуд ходим бошқа ишга ўтказилаётганда, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тақдим этганидан кейин мазкур Низомнинг 35-бандида назарда тутилган ишларни комплаенс хизмати беш кунлик муддатда амалга оширади.

14. Мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш факти бўйича декларация тўлдириш

37. Мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти бўйича маълумотларни декларация қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

корхона ходими манфаатлар тўқнашуви келиб чиққанда, у мазкур ҳолат унга маълум бўлган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида бу ҳақда комплаенс хизматига мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви сифатида тавсифланадиган ҳолатни батафсил баён этган ҳолда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан тасдиқланган намунавий шакл асосида хабар бериши лозим;

комплаенс хизмати ходимнинг бевосита раҳбари билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш чораларини кўради ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса қилиниб, корхона Бош директори ёки унинг ўринбосарларига, Бош муҳандисга, таркибий бўлинма раҳбарига ёзма шаклда тегишли маълумот киритилади.

15. Корхона ходимига алоқадор шахслар томонидан тақдим этиладиган эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация

38. Корхона ходимига алоқадор шахслар томонидан тақдим этиладиган эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

корхона ходимига алоқадор шахс ҳисобланган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсий идентификация рақами ёхуд юридик шахснинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

корхона ходимининг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими;

корхона ходимининг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар;

юримдик шахсининг корхона ходимига алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотлар.

39. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларация уни тўлдирган жисмоний шахсининг ёки юримдик шахс вакилининг (ишончли шахсининг) ўз қўли билан қўйилган имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

16. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш

40. Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш қуйидаги манбалардан олинган маълумотларни ўрганиш орқали амалга оширилади:

корхона ходими томонидан тақдим этилган хабарнома ва декларацияда;
давлат харидлари жараёнида олинган таклифлардан, харид комиссияси мажлисларининг баённомаларидан, тузилган шартномалардан, жисмоний ва юримдик шахсларнинг ходимнинг фаолиятидаги мавжуд манфаатлар тўқнашуви ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги муурожаатларидан ёки хабарларидан;

тижорат ташкилотларининг аффилиланган шахслари ва якуний наф олувчилари (бенефициарлари) рўйхатларидан;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш модулидан;

“ФХДЁ Ягона электрон архиви” ахборот тизимидан;

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро аппарат-дастурий мажмуидан;

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан;

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича киритилган тақдимномадан.

41. Корхона ходимининг оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан ижтимоий тармоқларига жойлаштирилган мавжуд манфаатлар тўқнашуви ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари улар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва ўрганиш орқали аниқланади.

42. Ушбу назарда тутилган маълумотларни ўрганиш комплаенс хизмати томонидан амалга оширилади.

17. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чораларни кўриб чиқиш ва текшириш ҳамда манфаатлар тўқнашувига оид ҳолларга нисбатан кўриладиган чоралар

43. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини тартибга солиш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги чоралардан бири кўрилиши керак:

ўзига нисбатан манфаатлар тўқнашуви юзага келган раҳбарнинг бевосита бўйсунувидаги ходимини манфаатлар тўқнашуви юзага келмайдиган бошқа раҳбарнинг бўйсунувиغا ўтказиш;

корхона ходимини манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган коллегиял орган таркибидан ихтиёрий равишда ўзини ўзи рад этиши орқали ёки мажбуран четлаштириш;

корхона ходимининг лавозим мажбуриятлари ёки хизмат ваколатлари доирасини қайта кўриб чиқиш;

корхона ходимининг манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ахборотдан ва ҳужжатлардан фойдаланишига чекловлар белгилаш;

корхона ходимининг яқка тартибда қарорлар қабул қилишга доир ваколатларини қонунчиликка мувофиқ амалга ошириши устидан коллегиял назоратни таъминлаш;

корхона ходимига ўзидаги шахсий манфаатдорликни қонунчиликка мувофиқ бартараф этиши тўғрисида таклифлар тақдим этиш;

ходим томонидан ўзи меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган корхонани манфаатларига зид бўлган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;

корхона ходимининг шахсий манфаатдорлигини бартараф этиш чораларини кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, ходимнинг розилиги асосида уни аввалги лавозимига тенг бошқа лавозимга ўтказиш ёки меҳнат шартномасини (контрактни) умумий асосларда бекор қилиш.

44. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чоралар ходимнинг розилиги билан кўрилиши керак.

45. Корхона томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солишга доир чораларни кўриш чоғида бирор-бир шахсларга, гуруҳларга ёки ташкилотларга афзаллик, устунлик беришга ёхуд давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг ходимларини, шунингдек фуқароларни камситишга йўл қўйилмайди.

46. Корхона ўз ходими билан ўзаро келишувга кўра, манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан қонунчиликда тақиқланмаган бошқа чораларни ҳам кўриши мумкин.

18. Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

47. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ва аниқлашда иштирок этадиган ходимларга ишониб топширилган ёхуд уларга касбий, хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан маълум бўлиб қолган шахсларнинг шахсга доир маълумотларини ошкор этишга йўл қўйилмайди.

48. Корхона ходимининг фаолиятидаги манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш чоғида шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

19. Жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисидаги муурожаатлари ва хабарларини кўриб чиқиш

49. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ходимдаги мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида корхонага келиб тушган ҳар бир муурожаати ёки хабари қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда текширилади.

50. Текшириш давомида аниқланган манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги билан боғлиқ ҳоллар тўғрисидаги маълумотлар Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан комплаенс хизматида тақдим этганидан кейин ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

51. Одоб-ахлоқ комиссияси корхона ёки таркибий бўлинмалари раҳбарларига манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш бўйича чораларни кўриш ёхуд ходимни тегишли жавобгарликка тортиш тўғрисида тақлиф киритади.

20. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотнинг ҳисобини юритиш

52. Корхонада манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестри комплаенс хизмати ва кадрлар бўлими билан ҳамкорликда ушбу Низомнинг 4-иловасига кўрсатилган шаклда юритилади.

53. Мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувлари Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрига қуйидаги асосларга кўра киритилади:

мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабарнома тақдим этилганда;

эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисида декларация тақдим этилганда;

расмий электрон маълумотлар базалари орқали корхона ходимида манфаатлар тўқнашуви аниқланганда;

келиб тушган муурожаатга ёки хабарга асосан корхона ходимида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тасдиқланганда;

қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказиладиган хизмат ҳамда бошқа турдаги текширувлар натижасида ходимда манфаатлар тўқнашуви аниқланганда.

54. Комплаенс хизмати аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолларининг ҳисоби ўз вақтида ва тўлиқ юритилиши учун жавобгардир.

21. Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини тартибга солиш учун кўрилган чораларни кўриб чиқиш

55. Корхонанинг Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувлари тўғрисида ҳар ярим йилда таҳлил қилган ҳолда хулоса қабул қилади ҳамда уларни тартибга солиш бўйича кўрилган чораларнинг етарлилигини (тўғрилигини) кўриб чиқади.

56. Корхонанинг Одоб-ахлоқ комиссияси аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолларини комплаенс хизмати билан биргаликда таҳлил қилади ва ходимлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради.

22. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатларда қарорлар қабул қилиш ёки битимлар тузиш

57. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарорлар ёки тузилган битимлар суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилади.

58. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарор ёки тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу қарор қабул қилинганлиги ёки битим тузилганлиги натижасида олинган фойда битим бўйича олинган ҳамма нарсани қайтариб бериш тўғрисида талаб қўйилмаган ҳолда, суд тартибида корхона ёки қонунчиликка мувофиқ давлат даромадига ўтказилади. Бунда ҳақиқий эмас деб топилган бундай битимнинг ижроси билан боғлиқ харажатларнинг ўрни манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган шахснинг ҳисобидан қопланади.

59. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарор ёки тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилганлиги натижасида жисмоний ёки юридик шахсларга, шу жумладан корхонага етказилган зарар корхонани айбдор ходимларидан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

23. Корхонанинг манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорлари устидан шикоят қилиш

60. Корхона ходими манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан корхона томонидан қабул қилинган қарорлар устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи ташкилотга, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

24. Низоларни ҳал этиш ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

61. Корхонани фаолиятидаги манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

«Навойуран» ДКда ва унинг таркибий бўлинмаларида
манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни
тартибга солиш тўғрисида”ги Низомга
1-илова

_____ га

(бевосита раҳбарнинг лавозими ва Ф.И.О.)

_____ дан

(ходимнинг лавозими ва Ф.И.О.)

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги

ХАБАРНОМА

Мен ушбу хабарномада ўзим ва менга алоқадор шахсларнинг мавжуд манфаатлар тўқнашувига оид қуйидаги маълумотлар тўғрисида хабар бераман:

1. Ходимга оид маълумотлар

1.	Идентификация ID-кارتаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
2.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	

2. Алоқадор шахсларга оид маълумотлар*

Ходимнинг яқин қариндошига оид маълумотлар		
1.	Фамилия, исми, отасининг исми	
2.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
3.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	
Ходим қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	
Ходимнинг яқин қариндоши қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда		

**бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид
маълумотлар**

1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	

* Ходим унга алоқадор шахсларнинг (ходимнинг яқин қариндошлари ёки ходимнинг яқин қариндошлари устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қиладиган ёхуд бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси бўлган юридик шахс) идентификация ID-картаси (биометрик паспорти), ЖШШИР, СТИР бўйича маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмаса, у томонидан тегишли позицияларда «маълумотга эга эмасман» деб изоҳ кўрсатилиши мумкин.

3. Мавжуд манфаатлар тўқнашуви бўйича маълумот

1.	Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумот	
----	--	--

Ходимнинг лавозими

*Шахсий имзо ёки электрон
рақамли имзоси*

(Ходимнинг Ф.И.О.)

Тўлдирилган сана

20__ йил «__» _____

Ходимнинг бевосита раҳбари

Мавжуд манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чора:

Ходимнинг бевосита
раҳбарининг лавозими

*Шахсий имзо ёки электрон
рақамли имзоси*

(Ходимнинг Ф.И.О.)

Тўлдирилган сана

20__ йил «__» _____

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрида рўйхатга олинган санаси ва тартиб рақами: 20__ йил «__» «__» _____-сон.

Ходимнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияси

Мен,

_____ ушбу

(фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг лавозими)

(йиллик/ишга қабул қилинаётганда/бошқа ишга ўтказилаётганда)

тўлдираётган декларацияда ўзим ва менга алоқадор шахсларнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашувига оид қуйидаги маълумотларни ошқор қиламан:

1. Ходимга оид маълумотлар

1.	Идентификация ID-кارتаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
2.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	

2. Алоқадор шахсга оид маълумотлар*

Ходимнинг яқин қариндошига оид маълумотлар		
1.	Фамилия, исми, отасининг исми	
2.	Идентификация ID-картаси ёки биометрик паспорт маълумотлари (серияси, рақами, берилган санаси)	
3.	Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР) (мавжуд бўлган тақдирда)	
Ходим қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	
2.	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	
Ходимнинг яқин қариндоши қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахсга оид маълумотлар		
1.	Юридик шахснинг номи	

* Ходим унга алоқадор шахсларнинг (ходимнинг яқин қариндошлари ёки ходимнинг яқин қариндошлари устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгалик қиладиган ёхуд бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси бўлган юридик шахс) идентификация ID-картаси (биометрик паспорти), ЖШШИР, СТИР бўйича маълумотларни олиш имкониятига эга бўлмаса, у томонидан тегишли позицияларда «маълумотга эга эмасман» деб изоҳ кўрсатилиши мумкин.

3. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумот

4. Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияда кўрсатилиши керак бўлган маълумотлардан ташқари қўшимча маълумотлар (агар мавжуд бўлса)

(ходим томонидан манфаатлар тўқнашуви вазияти сифатида баҳоланадиган бошқа ҳолатлар кўрсатилади)

Ходимнинг лавозими

Шахсий имзо ёки электрон рақамли имзоси

(Ходимнинг Ф.И.О.)

Тўлдирилган сана

20__ йил «__» _____

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрида рўйхатга олинган санаси ва рақами: 20__ йил «__» «_____»; реестр рақами _____-сон.

**Алоқадор шахсларнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги
декларацияси**

Мен _____, ушбу декларацияда
алоқадор шахс

(фамилияси, исми ва шарифи)

сифатида ўзим ва ходим (ишга қираётган номзоднинг) эҳтимолий манфаатлар
тўқнашувига оид қуйидаги маълумотларни маълум қиламан:

1.	Ходимга алоқадор жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
3.	Ходимга алоқадор юридик шахснинг номи	
4.	Ходимга алоқадор солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)	
5.	Ходимнинг Ф.И.О. ва лавозими	
6.	Жисмоний шахснинг ходим билан қариндошлиги тўғрисидаги маълумотлар (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари)	
7.	Юридик шахснинг ходим билан алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотлар (ходим ва унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) акцияларига ёки улушларига эгаллик қилса ёхуд унда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, ўша юридик шахс)	

Алоқадор шахс

*Шахсий имзо ёки электрон
рақамли имзоси*

(Ф.И.О.)

Тўлдирилган сана

20__ йил «__» _____

Эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви аниқланган ҳолатлар Манфаатлар тўқнашувини
ҳисобга олиш реестрида рўйхатга олинган санаси ва рақами: 20__ йил «__»
«_____»; реестр рақами _____-сон.

Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестри

Т/р	Маълумот олишга н сана	Мавжуд ёки эҳтимол ий манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини реестрга киритган ходимнинг Ф.И.О.	Ходим фаолият юритаётган таркибий бўлинманинг номи ва унинг лавозими	Манфаатлар тўқнашуви оид қисқача маълумот	Манфаатлар тўқнашувининг тури (мавжуд ёки эҳтимол ий)	Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича кўрилган чоралар	Комплеенс хизмат и томони дан қабул қилинган хулоса рақами ва санаси, Одоб-ахлоқ комиссияси йиғилиш баённо маси рақами ва санаси	Кўрилган чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш бўйича масъул шахс	Комплеенс хизмати ходимининг ўз қўли билан қўйилган имзоси ёки электрон рақамли имзоси ва сана
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.									
2.									
...									